# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 50 (8.940) * 1997 йил 2 май, жума * Сотувда эркин нархда




## АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

30 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Қобилжон Обидов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини батафсил таҳлил этди. Бу борада қўлга киритилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга эътиборни қаратди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон халқи танлаган тараққиёт йўлини, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилган мамлакатимиз сиёсатини маъқуллаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган улуғвор ишларни амалга оширишда ҳар бир юртдошимиз бор куч-ғайратини сарфлаши лозимлигини таъкидладилар.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари М.Усмонов қатнашди.

(ЎзА).

*СУРАТЛАРДА: сессия пайти.*
*А. Тўраев ва Ш. Олимов (ЎзА) олган суратлар.*

*Қурилиш*

## УЙ КАЛИТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Беруний даҳасида қад ростлаган уйларни тез ва сифатли бунёд этишда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 4-трестнинг 6-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам фаол иштирок этишди.***

— Шаҳримиздаги янги барпо бўлаётган даҳалар қурилишида иштирок этаётганимиздан фахрланамиз, — дейди бошқарма бошлиғи С. Титов. — Айниқса, Беруний даҳасидаги 8-уйни қуришда уюшқоқлик билан ишладик. Бу ердаги тайёр уйлар эгаларига калитларни топширар эканмиз, бундан ўзимиз ҳам мамнун бўлдик. Уйларни етти ой ичида фойдаланишга топширдик.

Янги даҳани бунёд этишда Ҳамза Жабборов раҳбарлигидаги 19-ҳамда Евгений Дубавецкий етакчилик қилаётган 15-қурилиш бошқармалари ҳам фаол иштирок этишди.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

*Муҳаррир устуни*

## ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ, МИЛЛАТ ИҚБОЛИ

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир маърузаси, нутқи бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим, энг долзарб вазифаларни аниқлаш, муаммолар ечимини топишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги яхши маълум. Шу сабабли халқимиз Президентимиз чиқишларини интиқлик билан кутади, уларда билдирилаётган залворли, чуқур маъноли фикрлар қалби тўридаги ўй-умидлари, орзу-ҳаваслари, ғам-ташвишлари билан ҳамоҳанглигидан таскин топади, эртанги кунга умид-ишончи ортади.

Ўтган куни Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳам давлатимиз равнақи, халқимиз ҳаёти билан боғлиқ жуда улкан ва ўткир масалалар ўртага ташланди. Унда иқтисодиёт, хусусан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, раҳбарлар масъулияти, бунёдкорлик, ободончилик масалалари қатори алоҳида эътибор энг долзарб муаммолардан бири — ёшларни ўқитиш, ҳунарларга ўргатиш, тарбиялаш, иш билан таъминлашга қаратилди. Юртбошимиз хусусан, тўққизинчи синфни тугаллаб, ўқишни давом эттирмаган, ҳали суяги қотмаган ўспиринларни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда улар қандай инсон бўлиб етишади, жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз, деган жуда ўринли саволларни ўртага ташлади. **«Жамиятимиз истиқболини, миллатимизнинг тақдирини, иқболини, бахту саодатини ўйлар эканмиз**, — деди Ислом Абдуғаниевич, — **энг аввало мана шу саволга жавоб топишимиз керак».**

Президентимиз ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш, айниқса истеъдодли йигит-қизларимизга чуқур билим бериш, умуман замонавий мутахассисларни тайёрлаш масаласига биринчи бор диққатни жалб этаётганлари йўқ. Вазирлар Маҳкамасида шу йил 28 февралда бўлган мажлисда ҳам давлатимиз раҳбари демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган махсус Миллий дастур тузиш, истеъдодли болаларимиз билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот бериш зарурлигини уқтирдилар.

Ҳукуматимиз бунинг учун ҳеч нарсани аямаяпти. Тараққий этган давлатларнинг жаҳонга номи кетган университетларида ёшларимиз чуқур билим олиши учун етарли миқдорда валюта ажратиб беріляпти. Бу жуда узоқни кўзлаб қилинаётган оқилона иш эканлигига шу кунларда Тошкентдаги Банк ва молия академиясида бўлсангиз, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Бу ерда «Умид» жамғармаси йўлланмалари билан чет элдаги энг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш учун иқтидорли ёшлар саралаб олиняпти. Чуқур билимли, кенг мушоҳадали, мустақил фикрловчи, жўшқин, қатъиятли йигит-қизлар билан суҳбатлашар экансан, Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам истеъдодлар ватани эканлигига яна бир карра иймон келтирасан. Улар фикрлашида гўё Беруний ва Улуғбек даҳосию салоҳияти ҳис этилади. Илму толиблар ўз ихтисосликлари бўйича бугунги фан ютуқларидан бохабарлар, нуқтаи назарларини мантиқан асослай олишга қодирлар. Камида битта хорижий тилни жуда яхши ўзлаштириб олганлар. Янада муҳими уларда билимга, ўқиб-ўрганишга, соҳаси бўйича энг малакали мутахассис бўлиб етишишга иштиёқ жуда кучли. Давлатни буюк қилиш учун ана шундай мутахассислар, касб-ҳунар эгалари юзлаб, минглаб эмас, юз минглаб керак. Бу республикамизнинг ўзидаги ўқув юртларида ҳам билим беришни, касб-ҳунар ўрганишни замонавий услубда ташкил этишни талаб қилмоқда. Бугунги кунда меҳнат бозорида ким чаққон — компьютерчи, иқтисодчи ва ҳисобчи, хорижий тилни билувчининг бозори чаққон. Буни чапдаст ишбилармонлар аллақачон тушуниб етганлар. Ҳозир компьютерда ишлашни ўрганиш, чет тилни эгаллаш учун қанча пул тўлиш кераклигини бу савдога иши тушганлар жуда яхши билади. Аммо, минг афсуски, касб-ҳунар ўргатадиган ўқув юртларимиз негадир меҳнат бозорининг бу талабини пайқашлари қийин бўляпти. Шунинг учун алмисоқдан қолган услубда керак-керак эмаслиги билан ҳисоблашиб ўтирмасдан ўша-ўша сувоқчи ва ғишт терувчи, ҳайдовчи ва тикувчини тайёрлаш ҳамон давом этяпти. Шунинг учун ҳам Президентимиз Андижонда яна бир бор: **«Энди эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз кечайлик, эскилик сарқитларидан соқит бўлайлик. Янгиликка, янгича тафаккурга йўл очиб берайлик»,** деб таъкидладилар. Истиқлол берган неъматлардан баҳраманд бўлиб юксак парвозларга шайланаётган, замонавий билимларни эгаллаб, дунёқарашларини кенгайтираётган ёшларимиз худди ана шундай янгилик ташаббускорлари бўлишларига, янгича тафаккур юритишларига ишончимиз комил. Жамиятимиз истиқболи, миллатимиз тақдири, иқболи, бахт-саодатини улар қўлига ишониб топширса бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИЛИКЛАР
ВОҚЕАЛАР
ХАБАРЛАР

*Ҳамкорлик*

## ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Европа давлатлари, хусусан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидан дадил бормоқда. Ўзбекистон — Италия муносабатларини бунинг ёрқин далили сифатида келтириш мумкин.***

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик илгари бошланган бўлса-да, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, муносабатларимиз янада кучайди. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг ўтган давр ичида Италия ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ва ишончли ҳамкорлик жадал суръатда ривожланди. Республикамизда италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони кўпайди. Албатта, Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шароитлар бунинг асосий омили бўлди. Италиянинг йирик фирма ва компаниялари республикамизга тобора кўпроқ сармоя олиб киришга интилаётгани ҳам шундан дарак беради. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Италия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми ҳам йил сайин ортмоқда. Жумладан, ўтган 1996 йилда Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш 500 миллиард италъян лирасига яқин маблағга тенг бўлди. Бу йилги мазкур кўрсаткич икки баравар ортиши мумкин. Бу эса Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик қилиш иштиёқи ортиб бораётганининг яна бир исботидир.

Ўзбекистон билан Италия ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган йирик лойиҳалардан бири мамлакатимизнинг «Ўзбектелеком» ва Италиянинг «Стет Интернешнл» концернлари ўртасидаги ҳамкорлик келишуви билан боғлиқ. Мазкур тузилмалар Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоғини такомиллаштириш мақсадида «Удинет» номли қўшма корхонага асос солганлар. Мазкур корхона 1999 йилга қадар 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармояни ўзлаштириб, Ўзбекистондаги телефон тармоқларини кенгайтириш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг ёзида Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида иштирок этиш мақсадида Италияга расмий ташрифи давомида ўзбек — италъян дўстлиги ва ҳамкорлиги истиқболларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатларга асос солинди. Шунингдек, ташриф давомида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик битими имзоланди. Ушбу муҳим ҳужжатга имзо чекилиши мамлакатимизнинг Европа интеграцияси сари қўйган катта қадами бўлди. Айни вақтда ташриф Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги муносабатларнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланиши учун улкан аҳамиятга эга бўлди.

Италия Республикасининг Президенти Оскар Луиджи Скальфаронинг мамлакатимизга бугун бошланган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар ривожида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, давлатимизнинг Италия билан муносабатлари равнақи шубҳасиз, умуман Европа Иттифоқи билан мавжуд алоқаларимизнинг янада шаклланишига ҳам хизмат қилади. Хуллас, ҳар икки томон Италия раҳбарининг Ўзбекистон сафаридан катта ва хайрли натижаларни кутмоқдалар.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*
*Хайрулло НУРИДДИНОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Жеймс Шаверни қабул қилди. Жеймс Шавер шунингдек, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди.

• Президент Ислом Каримов мамлакатимиз кон қазиш саноатининг байроқдори бўлган Мурунтов конига асос солинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ушбу кон жамоасини самимий табриклади.

• Хусусий капиталининг ҳажми жиҳатидан жаҳон миқёсида ўнинчи ўринда бўлган, 500 миллиард АҚШ доллари атрофида активига эга Японияниинг «Сакура» банки Тошкентда ўз ваколатхонасини очди. Шу муносабат билан мамлакатимизга келган «Сакура» банки бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацуи Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашди ҳамда молия вазирлигида бўлди.

• Кеча Вазирлар Маҳкамасида баҳорги тошқин даврида кўнгилсиз ҳодисалар олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• «Геодезия ва картография тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни бугундан эътиборан амалга киритилди.

• Эртага Европа парламенти бир гуруҳ вакилларининг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланади.

• Денов шаҳрида Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари назорат инспекцияси вакиллари иштирок этдилар.

• Кеча Тошкент вилояти фаолларининг йиғилишида маънавиятни ривожлантириш юзасидан 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастур қабул қилинди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

• Ўтган куни Хўжанд шаҳрида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновга суиқасд уюштирилди. У ўтиб кетаётган машинага граната улоқтирилиши оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 50 нафарга яқин одам жароҳатланди. Имомали Раҳмонов оёғига граната парчалари кирди. Уни операция қилган шифокорлар Президент ҳаётига хавф йўқлигини таъкидламоқдалар. Лекин Президент яна бир марта операция қилиниши керак. Кеча Имомали Раҳмонов мамлакат ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари раҳбарлари билан мажлис ўтказди. Бу суиқасдда айбланиб уч киши ҳибсга олинди.

• Бугун Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг Арманистонга биринчи расмий ташрифи бошланди. У Президент Левон Тер-Петросян билан давлатлараро алоқаларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

• Чеченистон раҳбарияти Россия Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири Анатолий Куликовни республикани қамал қилишда айблади. Кейинги пайтда Армавир ва Пятигорск шаҳридаги темир йўл вокзалларида портлашлар уюштирилгандан сўнг Россия федерал маъмурлари Чеченистон ҳудудий чегараларини қаттиқ қўриқлашни амалга оширмоқдалар.

### ХОРИЖДА

• Кеча Англияда бўлиб ўтган парламент сайловида лейбористлар партияси кутилганидек, жуда ишонарли ғалаба қозонди. Энди бу партия етакчиси, 43 ёшли Тони Блэр консерваторларнинг 18 йиллик ҳукмронлигидан сўнг ҳукумат тузиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тони Блэрнинг ўзи Бош вазир вазифасини эгаллайди.

• Германия Федератив Республикасида Ўзбекистон маданияти кунлари ниҳоясига етмоқда. У 28 апрелда Боннда тантанали вазиятда очилган эди.

• Мадрид шаҳрида Андижон ип-газлама комбинати раҳбариятига Европа саноатчилари уюшмасининг «Европа арки» нуфузли соврини тантанали вазиятда топширилди. Марказий Осиё саноат корхоналари орасида биринчи бўлиб бу мукофотга сазовор бўлган комбинат ўтган йили 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, ҳозир ҳар ойда хорижга 1,5 миллион доллар атрофида маҳсулот жўнатмоқда.

• Кеча Албаниядаги аслаҳахоналардан бирида рўй берган портлаш оқибатида 30 нафар киши ҳалок бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда бу портлаш эҳтиётсизлик оқибатида рўй берган.

• Эстония, Финляндия ва Швеция ўртасида бу мамлакатлар фуқароларининг бир-бирларига визасиз ўтиш тартиби кучга кирди.

• Эртага Жаҳон матбуот эркинлиги куни нишонланади. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор журналистларнинг дунё миқёсидаги ушбу байрами муносабати билан махсус баёнотида «Матбуот эркинлигидан чекиниш демократиядан чекинишдир», деб таъкидлади.

## КИНО ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

***Куни кеча пойтахтдаги Кинончилар уйида XII Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

Халқаро киноанжуманга дунёнинг 53 та давлати ҳамда 6 та халқаро ташкилотларга таклифномалар юборилган эди. Шу кунгача 38 та мамлакат киночилари ушбу анжуманга қатнашиш истагини билдирдилар.

Жаҳон киносининг машҳур юлдузлари Арнелло Мутти, Микели Плачидо (Италия), Каришма Капур, Шоҳруххон, Митхун Чакраборти (Ҳиндистон), Нодим (Покистон), Айхон Шаҳин (Бирлашган Араб Амирликлари), Бабита (Бангладеш), Евгений Матвеев, Сергей Соловьев (Россия) кабилар ҳам Тошкентга ташриф буюришади.

Кинофестивалга тақдим этилган фильмларни машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолашади.

Ҳайъат аъзолари: Минеко Акамота (Япония),Пьер Анри Сальфати (Франция), Се Фей (Хитой), Меҳмед Тангриев (Туркия), Владимир Меньшов (Россия), Гулчеҳра Жамилова (Ўзбекистон).

Киноанжуманда тўрт юздан ортиқ фильмлар намойиш этилиши кўзда тутилмоқда. Шулардан 25 давлатдан олиб келинган фильмлар танлов қисмида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Ўринлар учун 14 фильм танлаб олинади.

Ушбу кинофестивалнинг юқори даражада ўтишида «Кока-кола», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Совпластитал», «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳомийлик қиладилар.

Ҳомийлар томонидан Бош мукофотлардан ташқари энг яхши фильм учун — 10 минг, энг яхши эркаклар роли учун — 5 минг, энг яхши аёллар роли учун — 5 минг, киносанъатида миллий анъаналарни сақлагани ва ривожлантиргани учун — 3 минг ва энг яхши дебют учун — 2 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлар ажратилади.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

*Теннис*

## МАЙДОНДА — «ҲАВАС»КОРЛАР

***6-8 май кунлари пойтахтнинг «Динамо» теннис кортларида раҳбар ходимлар ўртасидаги анъанавий «Ҳавас» турнири бўлиб ўтади.***

Мамлакатимизда ўтган йили илк бор уюштирилган «Ҳавас» турнирида соғлом турмуш тарзи, теннисни янада оммалаштиришдек улкан мақсадлар кўзланган эди. Дарҳақиқат, турнирнинг хайрли натижаси ўлароқ, юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб замонавий теннис кортлари қурилди, ушбу ўйин билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб бораяпти. Бунда қўлларида ракетка тутиб, кортларга ҳавас билан тушаётган ҳокимлар ва раҳбарларнинг ибрати, ҳиссалари катта.

Турнирнинг вилоят ва шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ҳамда республика идораларининг раҳбарларидан иборат 60 нафар қатнашчилари 6 май куни 15 гуруҳга бўлиниб кортларга тушадилар. Мусобақалар доиравий усулда олиб борилади. 3 босқичдан иборат турнир финалига 8 нафар ғолиб қатнашчилар чиқишади ва чорак финал жуфтликларига бўлиниб, якуний беллашувларни давом эттирадилар.

Олдиндан бир «махфий» хушхабарни айтиш керак: «Ҳавас»корлар учун кўплаб кутилган ва кутилмаган совринлар тайёрланмоқда. Баъзи совринларнинг номлариёқ ўзгача тантанали жаранглайди: «Кутилмаган ғалабаси», «Энг алпқомат ўйинчига», «Энг ихчам ўйинчига», «Энг... беғам» ва ... «совринсиз ўйинчи»ларни ҳам махсус мукофотлар кутмоқда. Жумладан, Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ҳам тезкор ва чаққонлик каби ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, турнирнинг «Энг чаққон ўйинчиси» учун махсус соврин белгилаган.

КЕЧА

бўлиб ўтган матбуот конференциясида «Ҳавас» турнирини ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида гап борди.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*

*Футбол*

## БИЛЛУР СОВРИН УЧУН

Бу йил Ўзбекистон кубоги мусобақаларига биринчи марта қишда, ҳамма беллашувлардан аввал қуръа ташланган эди. Учрашувлар низомига кўра, 1 ва 2-босқичлар (1/32 ва 1/16 финал)да 1-лига командалари ва олий лиганинг ўтган йилги натижаларга кўра, жадвалнинг 9-16-ўринларини банд этган жамоалар майдонга тушишди. Ўтган 1/32 финал ўйинларидан сўнг олий лиганинг деярли барча вакиллари кейинги босқичга чиқдилар. Фақатгина «Афросиёб» (Самарқанд)га кучли рақиб — «Насаф» (Қарши) рўбарў келганлиги сабабли самарқандликлар навбатдаги босқичга чиқолмадилар. Кубок ўйинларининг ушбу икки босқичи миллий терма жамоанинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида қатнашиш муносабати билан 20 апрелдан 2 майгача бўлган оралиқдаги танаффусни тўлдирди.

1-лигада пешқадамлик қилаётган «Бўкалик», «Металлург» (Бекобод) ва «Истиқлол» командалари кубок ўйинларида ўз имкониятлари даражасида ўйнамадилар. Фақат «Темирйўлчи» (Қўқон)нинг ўйинлари кўпчиликни қониқтирди.

ЭРТАГА

қуръа натижаларига кўра, 1/16 финалда қуйидаги жуфтликлар куч синашишади: «Ситора» (Бухоро) — «Чилонзор», «Хоразм» — «Машъал» (Муборак), «Атласчи» (Марғилон) — «Тўқимачи» (Фарғона), «Орол» (Нукус) — «Дўстлик» (Каттақўрғон), «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Шўрчи» (Шўрчи), «Насаф» — «Янгиер», «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Зарафшон» (Навоий), «Косонсой» — «Сурхон» (Термиз).

Жавоб ўйинлари 7 май куни ўтказилади.

*Комилжон ЖУМАЕВ,*
*Баҳодир ҲАСАНОВ.*

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

**Мутафаккир, шеърият бўстонининг гулларидан ҳисобланмиш Амир Ҳусрав Деҳлавий сермаҳсул ижодкор бўлган. Ўзининг таъкидлашича, унинг ёзган шеърий мулки тўрт юз минг мисрадан кўпроқдир. Алломанинг қимматли мажмуалари бойлигимиздир. Биз гўзал ва нафис ижод соҳиби Деҳлавий ҳазратларининг бой ҳикматларидан бир шингилини азиз оқшомхонлар диққатига ҳавола қилишга жазм этдик.**

Амир Ҳусрав Деҳлавий ижодида инсон, одам, унинг буюклиги доимо олдинги ўринларни эгаллаган. Ақлли мавжудот — одамни англаш, унинг қадрига етиш, улуғлаш ҳар доим алломанинг диққат марказида бўлган.

*◆ Жони жаҳони олам, одам ўзинг,*
*Олама сиғмағувчи жон ҳам ўзинг.*

*Ибратнома*

# ПОКРОҚ БЎЛҒИЛ ОФТОБ ЗАРРАСИДАН ҲАМ

*◆ Калит бўлиб келдинг, ўйинчоқ эмас,*
*Бир-бир хазиналар оча олсанг бас.*
*◆ Шундай жул чакмонлар бизга аёндир,*
*Жул чакмон тагида олам ниҳондир.*
*◆ Бир қатра сувмасми оламда инсон,*
*Шу қатра дилида коинот пинҳон.*
*◆ Тўғри ўйлаб, тўғри юрган ҳар киши,*
*Билгилки, маҳкамдир унинг ҳар иши.*

Аёлларни мадҳ этиш бобида ҳам Деҳлавий маҳорати ибратлидир. Оналар— буюк табаррук зот. Шу табаррук зотни Деҳлавий ҳазратлари мароқ билан куйлайди:

*◆ Инисига деди бир сўзки гавҳар:*
*«Онанг таъзимида бўл, эй биродар».*
*◆ Оқила, тадбиркор бўлса гар аёл,*
*Қўлдаги игнаси ёй ўқи мисол.*
*◆ Эр киши тирноқча иш қилса агар,*
*Яхши бека уни минг бор оширар.*
*◆ Аёл оқила-ю, эр ишбилармон —*
*Бўлса кундан кунга обод хонадон.*

Инсониятга берилган ноёб хислатлардан бири дўстликдир. «Дўст билан обод уйинг» деб бекорга айтилмаган. Ҳа, дўст билан нафақат уйинг обод, балки бор-бисотинг обод, юриш-туришу барча борлиғинг ободдир. Бу борада аллома бобомиз Ҳусрав Деҳлавий шундай дейди:

*◆ Бу кенг олам дўсту ёрон билан хуш,*
*Боғу бўстон гулу райҳон билан хуш.*
*◆ Татимас хуррамлик дўсту ёрсиз,*
*Шодлик ношодликдир дўст дийдорисиз.*
*◆ Дўстликнинг асоси бўларкан маҳкам,*
*Замон балосидан ҳалол етар кам.*

Илм, билим одамзотни безайдиган, унинг янги-янги қирраларини кашф этадиган хислатдир. Илмли бўлиш фақат инсонга насиб этган ноёб дурдоналардир. Илмни доно халқимиз ақл чироғига ўхшатади, йўлчи юлдузга менгзайди. Илм, билим туфайли одамзот мўъжизалар яратган, оламга шукуҳ бағишлайди. Деҳлавий ёзади:

*◆ Ишга яраб қолса илминг бир муддат,*
*Яна оширмоққа айлагил шиддат.*
*◆ Жаҳд ила илмга ўрди бошин,*
*Шамолдан юргизди тегирмон тошин.*
*◆ Илм мадади гар эса сендан йироқ,*
*Кеча қоронғусида сен бечироқ.*
*◆ Агар илмдан кийган эрса тож,*
*Ул бош осмондан ундиради бож.*
*◆ Кимки, билимсизлик зиндонида гум,*
*Гадодир, тиллоси бўлса ҳам юз хум.*

Ширинсўзлик, хушмуомалалик инсон зийнати. Ширинсухан, очиқ дил, бағри кенг инсонлар жамиятнинг гултожидирлар. Шунинг учун бўлса керак сухандонлик доимо алломалар томонидан олқишланиб келинган. Доно халқимиз «Ширин тил — жон озиғи» деб бекорга айтмаган. Ҳусрав Деҳлавий ҳам хушмуомалалик ҳақида дилбар жумлалар битган:

*◆ Сўзларингда бўлса фикру ўй ёниқ*
*Бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ.*
*◆ Қисқа сўзлик қара, не яхши ҳолдир,*
*Сергаплик эса, дилга малолдир.*
*◆ Бемаҳал сўздан йироқ,*
*Жим ўтирмоқ яхшироқ.*

«Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат» дейилади доно халқимиз нақлида. Ҳақиқатдан ҳам меҳнат натижасида олам гулистонга айланади. Бутун ноз-неъматларнинг асоси ҳам меҳнат. Бойлигу хазиналар ҳам меҳнат натижасида қўлга киритилади. Бу борада аллома бобомизнинг ҳикматлари сероб:

*◆ Ким меҳнат-ла қадам қўйса тоғ, чўлга,*
*Хазина калитин киритар қўлга.*
*◆ Кимнинг агар бўлса баланд ҳиммати,*
*Эски кийим бир-ла зўрдир иззати.*
*◆ Ҳар танаки, ҳиммат ила саришта*
*Оддий кишимас у, у бир фаришта.*
*◆ Покроқ бўлгин осмон қатрасидан ҳам,*
*Покроқ бўлғил офтоб заррасидан ҳам.*
*◆ Ақал бир мушукка бўлсанг меҳрибон,*
*Демак саломатдир сендаги иймон.*
*◆ Бекор иш кетидан ким чопди зинҳор,*
*Танбалу бекордан минг бор у бекор.*
*◆ Кимданки, ёмонлик кўрди одамзот,*
*Яхши номи охир бўлади барбод.*
*◆ Озгина яхшига қилгил қаноат,*
*Чексиз ҳашаматни дема саодат.*
*◆ Шундай яшагилки жисми покингдан,*
*Қайта яратсинлар сени ҳокингдан.*

Ҳусрав Деҳлавий ўзларининг ўлмас асарлари билан доимо барҳаёт. Мустақиллик туфайли ўз ота юртида яна қайтадан яралди. Унинг ҳикмат тўла дурдоналари авлодлари учун маънавий озуқа бўлиб қолаверади.

*Мусоқул. УСМОНОВ,*
*Тошкент молия институтининг профессори.*

*Туйғулар*

У кечагина йўқ эди. Бугун алвон рангда очилди. Қизалоқнинг кўзлари яшнаб кетди: бунча чиройли!

Келиб қизғалдоқнинг тепасига тиз чўкди. Гулбаргларини жажжи қўллари билан сийпалади. Кейин гул устида ғувиллаб учаётган болариларни ҳайдади:

—Кетинглар, бу меники!

Болариларлар қулоқ солармиди! Тўп бўлиб қизғалдоқнинг гул косасига ёпишишди. Қизалоқ ўзини четга олди.

Ям-яшил гиёҳлар орасида қип-қизил бўлиб очилиб турган қизғалдоқ чиндан ҳам чиройли эди. Гул косасининг тагидаги қоп-қора ҳошияси гул баргларни жуда ҳам гўзал қилиб юборганди. Боларилар учиб кетишгач қизалоқ яна қизғалдоққа яқин келди.

Шу куни қизалоқ қизғалдоқдан беш-ўн марта келиб хабар олиб кетди.

## ҚИЗҒАЛДОҚ

—Меники бу! — дерди ўртоқларига.

Эртасига ҳам қизғалдоқ ўз тароватини йўқотмади. Яна бир кун ўтгач, тонгда келиб қизалоқ нохуш манзарага дуч келди: қизғалдоқнинг сўлиган гулбарглари тўкилиб ётарди. У гулбаргларини авайлаб йиғиштириб олди. Жажжи ҳовучида олиб келиб, онасига кўрсатди.

—Қаранг, биров юлиб ташлабди, — деди у кўзлари жиққа ёшга тўлиб.

Онаси нима деб юпатишини билмасди. «Ҳаёт қонуни шунақа, бугун бор нарса эртага йўқ бўлади», деса, жажжи қизчаси тушунадими? Онаси меҳрибонлик билан қизчани бағрига босди:

— Меҳрибон, раҳмдил қизимдан айланай!

Қизғалдоқнинг митти новдаларидаги бошқа ғунчалар очила бошлаганди. Лекин қизча буни билмасди.

Эҳ, болалик, қандай ажойиб фаслсан! Сенинг бағрингда оддийгина тош ҳам мўъжиза бўлиб туюлади. Ҳозир эса гўзалликни яратишим қанчалар мушкул, қанчалар заҳматли! Яхшиям қалбимда сенинг мунис туғёнларинг бор!

У Наврўз кунлари лойқа эди. Чунонан гупириб, кўпириб оқардики асти қўяверасиз. Қирғоқларни ўпириб, ялаб ташлагудек бўларди. Қирғоқлар ҳам унинг қилиқларига парво қилмас, худди боласининг шўхлигидан завқланган отадек кулиб қўяқоларди.

Кунлар ўтгани сайин сув тинчиб қолди. Энди аввалгидек сурон солмас, секингина оқа бошлаганди. Ўтган-кетганлар унинг тиниқ тортиб қолганлигини сезардилар.

Баҳорнинг сўнгги ойларида сув батамом тинчиди, тиниди. Энди унинг тубидаги тошлар ҳам шундоққина кўриниб турарди.

## СУВЛАР

Сувни худди инсон умрига ўхшатаман. Дастлаб ёшлигида одам ҳам оламни ағдар-түнтар қилгудек бўлади. Ҳеч ерга сиғмайди. Йиллар ўтгани сари ақли тиниқлашиб, беҳуда хою ҳавасларга чек қўяди. Вужуди билан яратишга, ўзидан бирон яхши из қолдиришга интилади. Яна йиллар ўтгач унинг умри ҳам, ақли ҳам батамом тиниқ тортади. Энди унинг юрагини шундоққина кафтда кўргандек бўласиз. Юрагидаги қора нуқталарни кўриб ҳайратланманг. Сув тубидаги тошлардек инсон юрагидаги нуқталар яхши-ёмон кунлар қолдирган излар. Фақатгина битта фарқи: сув ҳар йили айқириб-ҳайқиради. Инсон умри баҳори бир марта, бир мартагина келади.

...Ариқларда сув тиниқлашиб қолди. Унга қандайдир эҳтирос билан боқаману умр ўткинчи эканини яна ҳис этаман. Ҳис этаману чуқур сўлиш оламан. Бутун вужудимга ўт тушгандек бўлади.

Умр оқар сув деб бекорга айтишмаган экан.

*Ғолиб МИРЗО.*

*Истеъдод*

## «САРВИНОЗ» ҚИЗЛАРИ

**Сўнгги йилларда болалар ва катталарнинг ўнлаб фольклор-этнографик дасталари пайдо бўлди. Шундай дасталарнинг бири «Сарвиноз»дир. Ансамблнинг бадиий раҳбари Даврон Қодиров даста ҳақида шундай ҳикоя қилади:**

—Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг мусиқа факультети қошида «Сарвиноз» ашула ва рақс ансамбли ташкил қилинди. Унга институт талабалари ва педагогика лицейининг санъатсевар ёшлари қатнаша бошлади. Дастани ташкил қилишда мусиқа факультети ўқитувчилари кўп меҳнат қилишди. Рақсларни саҳналаштиришда Муаттар Эшмуҳамедова яқиндан ёрдам берди.

Ансамблимизнинг асосий мақсади — мақомлар, мумтоз куйлар, ўзбек халқ фольклори намуналарини ижро этиб ёшларимизда мусиқа меросимизга меҳр-муҳаббатни шакллантиришдир. Чунки, кейинги пайтларда енгил-елпи эстрада қўшиқлари кўпайиб кетди...

—Ансамблнинг ўз олдига қўйган режалари катта,—давом этади Даврон Қодиров. — Тинмай изланишни, ижрочилик малакаларини оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Дастанинг фаол қатнашчиларидан Муножат Алимбоева, Нигора Имомназарова, Мадина Алимова каби аъзолари машғулотларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

*Маҳфуза ТОИРОВА.*




*Назм*

### ИЗЛАЙМАН

*Кексайган чоқ ёшлик — тонгни эслайман,*
*Мафтун этган гуллар рангин эслайман.*

*Ҳар садодан топар эдим минг наво,*
*Ёш севгининг ноз оҳангин излайман.*

*Кеча узум олган эди эс-ҳушим*
*Бугун бўлса алп зангни излайман.*

*Юрагимда яна кўз очди булоқ.*
*Ширин сўзлар деб ишонгин, излайман.*

*Озод элда яшаб хуррам бу Темур*
*Ашъор битар, жило, рангни излайман.*

### ШУКРОНА

*Шукрларким, Аллоҳга бир бандаман.*
*Дуо айлаб яшарман иймондаман.*

*Гул ҳаётим, нур баҳорим, тинч-тотув —*
*Элу юртим бор бўлсин — омондаман.*

*Не кунларни кўрмади бу оқсоч бош.*
*Ўғил-қизим жони ичра жондаман.*

*Солмагай энди тангри асло фироқ*
*Яхшилик бўлсин ҳамиша — қондаман.*

*Темурни ким деб сўрса деб ёру дўст,*
*Марҳамат айланг, Кўкча томондаман.*

*Темур КАРИМОВ.*

*Ажойиботлар*

## «САЁҲАТ — РОҲАТ»МИ?

**«Саёҳат — роҳат» деган гап бор. Лекин бундай роҳатнинг ўзига хос машаққатлари ҳам йўқ эмас.**

**Бу ҳол кўпинча саёҳатга нима воситасида чиқишга боғлиқ. Қуйида турли воситалар ёрдамида саёҳатга чиқиб, унинг «роҳати»ни қандай тотганлари ҳақида танишиш мумкин.**

### ЧАНҒИДА

Норвегиялик Эрлинг Кагге Жанубий қутбга ҳеч қандай техника ёрдамисиз борган оламдаги биринчи одам ҳисобланади. Беркнер оролидан саёҳатга чиққан Эрлинг 1310 километр машаққатли йўлни 50 кеча-кундузда босиб ўтган. Кагге ўзининг саёҳати давомида чана тортувчи ит ёки буғулардан фойдаланмаган. У 120 килолик озиқ-овқат, дўстлари беришган 180 минг долларлик буюмлари билан қор бўронида сафарга чиққан. Шундай бўлсада Эрлинг ниятига етган. У мўлжалидаги вақтидан 10 кун олдин манзилга етиб борган.

### ОТДА

Аниқроғи, уч йил эмас, ундан кўпроқ вақт Владимир Фисенко билан Луис Брунке Америка қитъаси бўйлаб отда саёҳатга чиқишган. Владимир Фисенко асли рус. Бироқ француз қизига уйланиб, Франция фуқаролигини олган. Луис Брунке эса Америкада туғилган, Францияда ўқиган ҳамда шу ерда Владимир билан танишган. Иккови Оловли Ердан Аляскагача бўлган масофани отларда юриб ўтишган.

### ВЕЛОСИПЕДДА

25 ёшли француз йигити Матье Пули ЮНЕСКО нинг Париждаги штаб-квартирасидан Балиге (Индонезия)гача велосипедда борган. Бу саёҳат бир йил давом этган. Матье Европа билан Осиёнинг 11 мамлакатида бўлиб, жаҳон маданиятига эга бўлган 35 шаҳарни кўрган.

### ҚАЙИҚДА

Британиялик спортчи Пимер Брэд Россия портларидан биридан эшкакли қайиқда Америка томон саёҳатга чиққан одам. У аввалига об-ҳавонинг ноқулай бўлганидан сафарини ярмидан кейинга қолдирган эди. Яхши ният-ёрти мол деганларидек Питер ниҳоят орзусига эришди. «Сектор ту» деб аталган эшкакли қайиғида Владивостокдан йўлга чиқиб, якка ўзи уммон орқали Сан-Францискога борган.

*Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.*

**1997 йилнинг Наврўзи Республикамиз рассомлари учун қутлуғ келди. Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил топиши ижодкорларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Мухбиримиз Бадиий академия раисининг ўринбосари, таниқли мусаввир Акмал ИКРОМЖОНОВ билан суҳбатда бўлди.**

*Санъат*

# НАФОСАТ ҚЎРҒОНИ

**— Акмал ака, Ўзбекистон Бадиий академияси ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўйган?**

— Академиянинг олдига қўйган катта мақсади — халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий, амалий, миниатюра санъати анъаналарини ривожлантириш, жаҳон санъати тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, шунингдек, ёш авлодни миллий маданиятимизга ҳурмат ва ундан чуқур ғурурланиш туйғулари руҳида тарбиялашдир. Шунингдек, Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъатининг равнақи йўлида юксак профессионал миллий бадиий ижодиётни ривожлантириш тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Кўпгина санъатшунос олимлар шу кунга қадар ҳам ўзбек халқининг бадиий мероси, унинг жаҳон санъати тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларини чуқур ўрганиш ҳамда ривожлантириш истиқболларини белгилаш, миллий мустақиллик ғояларига мос тадқиқотлар олиб бораётгандилар, дарсликлар, методик қўлланмалар яратишга ҳаракат қилаётгандилар. Умуман ўзбек халқининг санъат тарихи, замонавий ютуқлари, шунингдек жаҳон санъати сирларини ҳар жиҳатдан илмий, амалий ўрганиш ва ёшларга ўргатишда Бадиий академиянинг ташкил топиши муносабати билан янада кенг кўламли имкониятлар очилди. Айниқса, давлат тилида кўплаб қўлланма, дарслик, мажмуалар яратилиши айни муддао бўлди. Бундан ташқари етакчи Бадиий академиялар шу йўналишдаги ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар, жаҳон маданияти ва санъати усталари билан илғор тажрибалар алмашиш мақсадида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришни ҳам ўйлаётирмиз. Яна келажакда ёш, иқтидорли рассомлар, дизайнчилар, халқ усталари ва санъатшуносларга ижодий фаолиятларида ва таҳсил олишларида махсус жамғарма орқали тегишли ёрдам кўрсатамиз. Бу ишларнинг бари албатта секин-асталик билан амалга оширилади.

**—Айтган сўзларингиздан келиб чиқиб, таълимга чуқур эътибор берилар экан, деган фикрга келдим.**

—Янги ташкил қилинаётган тасвирий ва амалий санъат лицейларида мактаб ўқув дастури тўлиқ сақланади ва қўшимча соатлар, махсус курслар йўналтирилган касбга доир ўргатилади. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти академия тасарруфида бўлиб, у Санъат институтининг рассомлик факультети ҳамда П.Беньков



номидаги тасвирий санъат билим юрти негизида ташкил бўлаётир. Нима учун лицейлар ташкил бўлди? Нима учун ўқув дастури сақланиб қоляпти, деган саволлар туғилиши табиий. Биз келажак авлоднинг ёшлигидан чуқур билимли бўлиши истагидамиз. Бу янги ўқув юртларини академия моддий жиҳатдан таъминлайди.

**— Академия таркиби қандай ташкил топган?**

—Академиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамда ижодий, ўқув ва илмий йўналишлар бўйича бўлимлар, Бадиий ижодкорлар уюшмаси, махсус жамғарма, ижодий, илмий-тадқиқот, ўқув, тарғибот, кўргазма, нашр муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатади.

Академия санъат ва санъатшунослик бўйича барча фаолиятларни мувофиқлаштириб борувчи рангтасвир ва графика, ҳайкалтарошлик, амалий безак, дизайн, санъат тарихи ва назарияси каби бўлимларга эга.

Бадиий академиянинг дастлабки ҳақиқий аъзолари сони 21, фахрий аъзолари сони 11 кишидан иборат бўлади.

Миллий, тасвирий, амалий санъат, дизайн, санъатшунослик соҳаларини йирик асарлари билан бойитган, ўз ижоди, илмий—педагогик фаолияти билан соҳа тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган, ўзбек маданияти ва санъатининг келажаги учун муносиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда катта ютуқларга эришган ижодкорлар Академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланадилар. Ёши 65 дан ошган соҳа намояндалари академиянинг фахрий аъзоси бўлиши мумкин.

**— Рассомлар уюшмаси ўз фаолиятини қай тарзда олиб боради?**

— Рассомлар уюшмаси эндиликда Бадиий ижодкорлар уюшмаси деб аталади ва академия раиси айни пайтда Бадиий ижодкорлар уюшмасининг ҳам раиси ҳисобланади. Улар аввал қандай ишлаган бўлсалар шундай ишларини ўз шўъбаларида давом эттиряптилар. Рассомларга ишлаётган устахоналари текинга хусусийлаштириб берилди. Академия томонидан кўргазмалар ташкил қилинаётир ва бундан кейин ҳам бу ишлар кенг кўламда давом эттирилади.

**—Академия томонидан бир қанча мукофотлар таъсис этилди. Шу хусусда ҳам гапириб берсангиз.**

—Тасвирий санъат, амалий ва дизайн санъати, шунингдек санъатшунослик, меъморчилик соҳасидаги юқори савиядаги ишлар учун Камолиддин Беҳзод номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилган. Мустақиллик байрами арафасида энг яхши асарлари учун муносиблар бу мукофот соҳиби бўлади. Бадиий академиянинг ўз совринлари ҳам бўлиб, бу совринлар (олтин ва кумуш медаллар), ҳар икки йилда бир марта энг сара асарларга берилади. Бундан ташқари академиянинг дипломлари ҳам бор. Яна Камолиддин Беҳзод номидаги институт битирувчиларининг энг яхши диплом асарлари учун бериладиган олтин ва кумуш медаллар ҳам мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, биз бор кучимиз билан тасвирий ва амалий санъатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, янада бойитишга ҳаракат қилаверамиз.

*Суҳбатдош Маҳзуна НАБИХОНОВА.*

*СУРАТДА: мусаввир Акмал Икромжонов ўз ижодхонасида.*

**«Рўмолча... қани, рўмолча!» О, яна ўша мияга оний лаҳзаларда урилган асов рашк ақл тизгинини қўлга олди. Содда, ишонувчан, кўнгилчан Отеллонинг телбаларча ҳаракати яна кўнгилларга изтироб солди. Бечора бахтиқаро, нозик Дездемона рашкнинг қурбони бўлди.**

*Томошалар*

# АСАР РУҲИГА МОНАНД

Унинг гуноҳи нима эди?! Севганими ё самимияти, эҳтимол ота ризосизлигидир. Ахир падари зор қақшаб, «Яхшиямки, битта қизсан, йўқса синглингни кишанларда сақламасмидим» демаганмиди?

Ҳар не бўлганда ҳам муҳаббатнинг интиҳоси фожиа билан тугади. Бу фожиа билан Вильям Шекспир нима демоқчи? Нега инсонлар ҳар бир шажарасида классик асарларга мурожаат қиладилар?! Унда нималарни кашф қилиб, нималарни англамоқчи бўладилар? Яна энг ҳайратланарлиси шундаки, ҳар даврда асар қаҳрамонларининг қайбиригадир урғу кўпроқ берилади. У етакчи ролга айланади.

Аброр Ҳидоятов номли республика драма театрида «Отелло» спектакли саҳнага қўйилди. Аброр Ҳидоятов, Турғун Азизовдан кейин саҳнага Элёр Носиров рашкчи ҳабаш қиёфасида чиқди.

Спектакль томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Саҳна асари жараёнида уни ҳаракатга келтирувчи куч Яго эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу албатта ёзувчининг ҳаётга нисбатан бўлган фалсафий талқини, қолаверса, бу образни кашф қилган актёр маҳоратидир.

Яго сиймосини яратган, уни Шекспирча талқинда саҳнада биринчи планга олиб чиққан Афзал Рафиқовнинг қаҳрамонига муносабати ўзгача эканлигини, ҳатто Яго бўлиб (саҳнада, албатта) яшаётганида ҳам ҳис қилиш мумкин.

Яго ... Уни қандай қилиб ўйнаш керак, деган саволни ўзимга кўп бераман. Бу борада қилмаган «ишим» қолмади. Нега десангиз, у билан номутаносибликларимиз кўп. Биринчидан у 27 ёшда бўлган. Мен... Бундан ташқари у жуда мураккаб сиймо. Яго ақлли, лекин омадсиз. Рашкнинг оқибатларини кўрсатади. Ўзи ҳосил қилган ёвузлик гирдобига тушиб қолиб, тирик ўликка айланганини ҳам сезмай қолади ва оқибат руҳий ҳалок бўлади. Саҳнада ҳис-туйғуни бериш осон, лекин фикрни ҳаракат орқали очиб бериш жуда мушкул. Ягони иблис даражасига олиб чиқиш учун нимагадир оёқ қўйиб олишим керак эди.

Шериклар билан умумий муносабатлар шаклланадиган майдон, муҳит пайдо бўлса сиймо тўла очилади.

Эҳтимол қайси маънодадир Отелло (Элёр Носиров), Кассий (Сиддиқ Саноев), Дездемона (Хусния Саннаева), Брабанцио (Фарҳод Абдуллаев), Эмилия (Шоҳида Узоқова)ларнинг ажойиб ижроси Ягога озуқа бўлгандир.

Асар руҳига киришда Георгий Брим ташкил қилган дунё — улкан ҳаёт кемаси уммони узра сузаётган кемамиз (зал ва саҳна қўшилиб кетган), шамолнинг увиллаши, денгизнинг асов тўлқинларининг безовта мавжлари, тунд осмон қандайдир бахтсиз воқеадан огоҳ қилмоқчидек.

Режиссёр — тожикистонлик Барзунинг режиссёрлик топилмалари, фалсафий мушоҳадалари кичик-кичик деталлардан воқеа моҳиятини ясаш талқинига яқинлаштиришга бўлган интилишлари, машаққатли меҳнати мевасини — асримизнинг сўлим йилларида санъат дунёсининг шоҳ сиймоси бўлиб қолувчи роли орқали кўрдик.

*Маҳлиё МИРСОАТОВА.*

## Табассум

*Арақхўр:*

*— Биродар, сен мени тўйгунимча ичир! Ўшанда мен сенга «ернинг одам атрофида айланишини» кўрсатаман. Мириқиб томоша қиласан!*

* * *

*Судда бир кишини сўроққа тутишаяпти:*

*— Сиз уч қаватли уй, тўртта «Мерседес» автомобили, дала ҳовлининг соҳибисиз, шундайми?*

*— Худди шундай.*

*— Сиз бу молу мулкларни халқнинг маблағи ҳисобига сотиб олганингизни бўйнингизга оласизми?*

*— Жаноб судья, халқда шунча маблағ бор, деб ўйлайсизми?*

* * *

*Уйга нотаниш аёл кириб келди.*

*— Эрингиз уйдами? — сўради аёл хонадон бекасидан.*

*— Йўқ, командировкада. Икки ҳафтадан кейин келади.*

*— Начора, эрингиздан алимент ундириш учун икки ҳафта уни шу ерда кутаман.*

*Абдуазиз ҲОШИМОВ тайёрлаган.*

